

Туркистоннинг биринчи генерал губернатори фон Кауфман: «Мусулмон дини мавжудлигига тоқат қилинади, аммо унинг ривожини рағбатлантирилмайди. Ислоҳ яшаб кетиши учун зарур шарт-шароитдан маҳрум бўлиб қоладиган вақт ҳам келади». («Турон тарихи» журнали, 1993 йил, 2-сон).

Яна шу залимнинг мана бундай дегани ҳам тарихда қолган: «Бу халққа (туркистонликларга) иложи борича, мумкин қадар қўпроқ пахта эқтириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш керак, токи бу халқнинг бошқа нарсаларни ўйлашга, сиёсий воқеаларни англаб етишга бир зум ҳам вақти ва хоҳиши қолмасин» (Мажид Ҳасаний, «Юрт бўйнидаги қилич», Тошкент, 1997 йил).

Русия маориф намояндаси ва миссионер П. Ильинский: «Русиядаги мусулмон халқларга бирорта ҳам ижтимоий-сиёсий ҳуқуқ бермаслик керак», деган. (Мажид Ҳасанийнинг юқоридаги китоби).

Англия умумпалатасининг аъзоси Грехэм: «Мен ҳуқуқатга қуйидагиларни айтман: ҳозир улуг иттифокчимиз Россияга Полшани Ўрта Осиёдаги арзимас қабилалар бўлган ўзбек ва тожикларга ўхшаб эмас, балки Европадаги маданиятли, христиан миллат сифатида таниб, Полшанинг шунга муносиб суратда тутган ўрнига қараб, у билан муомала қилиши кераклигини айтиш пайти келди» (Англия умумпалатасининг 1945 йил августдаги мажлисида сўзлаган нутқидан).

Афтидан барча мустамлақачилар ҳамма вақт бир хил фикрлашади, шекилли!